



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

201 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 20-noyabr, chorshanba * № 43 (1155)

ФАЙЗСИЗ ҚОЛГАН “ФАЙЗ” МАҲАЛЛАСИ



15- ва 19-қўпқаватли уйлarning орқа томонида уй қурилиши бошланиб, биринчи қавати битар-битмас тўхтаб қолган ва ҳозирда хароба, ташландиқ жойга айланган, каттагина майдон эътиборимизни тортди. Тахминан бир гектарга яқин жойнинг бир бурчаги чиқинди ташланадиган ҳудудга айланибди. ➔ 3-бет

ГАЗЕТА — ТАРИХ ЯРАТУВЧИСИ



Газетанинг бундай бекиёс имкониятлари-дан фарзандларимизнинг унумли фойдаланишига ёрдам кўрсатиш, биринчи навбатда, ўқитувчининг зиммасида. Албатта, ўсмир-ёшлар телевизорнинг, интернетнинг жозибадорлигига маҳлиё бўлиб, газетга чап кўзи билан қараса, кейинчалик пушаймон бўлади. Бундай жараён кучайиб кетганида эса бутун халқ, миллат кўн нарсани бой бериб қўяди. ➔ 4-бет

ТАБИАТ — УЛУФ ИЖОДҚОР



Гул ва чечакларга бурканган боғни, айниқса, навбахорни ўрик гулини яхши кўрадди Ҳамид Олимжон. Шу боис суякли ёри Зулфия-хоним муҳаббат ва уйғонинг фасли келиши билан қўлига қалам олар, юрагида бир соғинч билан баҳор манзараларини чизар эди. ➔ 5-бет

➔ Фурур

Миллатимизнинг шаънини, қадр-қимматини, фурурини ўзида мужассам этган муқаддас байроғимиз дунё мин-барларидан мустақил ватанимиз шарафи бўлиб ҳилпираб экан, беихтиёр кўрганда қалбларда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради.

Байроғимиз дунёни забт этаверсин!

Айниқса, фанда, маданият ва санъатда, спортда эришилган юксак галабалар орти янграйдиган мадҳиямиз ила баробар байроғимиз дунё байроқларидан сарбаланд келганда юракларни чексиз фахр-ифтихор олов бўлиб ёндади. Бутун вужуд ширин титроқ ичра ҳаяжонга чулғанади. Жисминг руҳинг баробар юксалади.

Бундан 28 йил аввал 18 ноябрь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун тарихимизнинг олтин саҳифасига муҳрланган бўлса, эндиликда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ҳамжамиятларни бирлаштирган олий идора ҳамда ташкилотлар бошида ҳилпираб турибди. Мустақиллигимизнинг барҳайвлигини, абадийлигини бутун оламга кўз-кўз этмоқда. Аввалдан шундай, тарих силсиласида азалдан мавжуд бўлган, тақдир тақозоси билан бир мuddат сояда қолган қадим Турон, буюк Туркистон, она Ўзбекистонимизнинг яна келажиги буюк бўлишига давлат рамзлари асос яратади.

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб заминдан юксалиб кўкни тўлдириб ҳилпираётган байроғимиз шаънига ўзида фахр туйғуларини мужассам этган оташин нутқлар, жонпарвар шеър ва ҳузурбахш наволар янграмоқда. Кенг ва муҳташам спорт майдонларини, маданият саройларини, истироҳат боғларининг кенг ва ёруғлиги баробар тўлдириб, само узра майин тебранаётган байроғимиз давлатимиз фукараларининг ифтихори бўлиб юрт кезмоқда.



Истиклолимиз шарафи, миллатимиз мавжудлиги, элимиз фахри байроғимиз яшиллик, оқлик ва мовийлик билан бурканган. Бу ҳаётнинг абадийлиги, муҳими ўсиш-улғайиш, адолатни маҳкам тутиш, мусоффо осмонни асраш эканлигини ўзида акс эттирганини билдиради. Байроғимиз дунё турганича турсин, нафақат юртимиз, халқаро ташкилотлар биноларида ва яна ҳар бир миллатдошимиз юрагида, қалбида бўй кўрсатаверсин.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўзбекистон Байроғи

Қалбимиз тўла сурур,
Тўтиё юрт тупроғи.
Ҳилпираб турар мағрур
Ўзбекистон байроғи.

Ранги — ҳаёт мисоли,
Юлдузлари, ҳилоли,
Мустақиллик тисоли —
Ўзбекистон байроғи.

Гумбазларда, юксакда,
Пештоқларда, фалакда,
Кўнгулларда, юракда
Ўзбекистон байроғи.

Ифтихор дилимизда,
У йўлдош йўлимизда.
Юксалар қўлимизда,
Ўзбекистон байроғи.



➔ Сайлов — 2019

Сайловолди тадбирларни қаерда ўтказиш мумкин? Сайловчилар билан учрашувлар қайси тартибда ўтади? Номзодларнинг сайловолди дастурлари мавжудми? Ташвиқотнинг янги шакллари борми?



Номзодлар аниқ, навбат ташвиқотга

Шу каби саволлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига шу йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш учун сиёсат майдонида “от сураётган” бешта сиёсий партиянинг раҳбарлари ва номзодларининг фикрини жамлашга, халқ ишончини қозониш учун янгича ёндашишга ундаши керак.

Марказий сайлов комиссияси ўзининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида партияларнинг номзодларини расман рўйхатга олди. Видеоконференция шаклида ўтказилган йиғинда округ сайлов комиссиялари раҳбарлари, тегишли вазирилик ва

идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирият Кенгаши, барча вилоятлар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари, жумладан, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



➔ Ҳамкорлик

19 ноябрь куни Олий ва ўрта махсус таълим вазириликда Германиянинг мамлакатимиздаги фақуллода ва мухтор элчиси Гюнтер Оверфельд бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказилди.

Малакали кадр — эртаимиз устуни

Унда малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида немис тилини ўқитиш самарадорлигини ошириш йўлидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди.

— Малакали кадрлар тайёрлаш борасида Германия тажрибаси бутун дунё миқёсида эътироф этилади, — деди вазири Ином Мажидов учрашувда. — Германия Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда авиация ва космик технологиялар бўйича, хусусан, ҳаво кемаларидан техник фойдаланиш, амалий космик технологиялар, радио-электрон қурилмалар ва тизимлар (саноат/авиация), ҳаводаги ҳаракатни бошқариш ва учувчисиз авиация мажмуаларидан техник ва технологик фойдаланиш каби йўналишларда кадрлар тайёрлаш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Шунингдек, учрашувда дарсликлар, ўқув қўлланмалар, соҳавий атамалар луғатлари ҳамда мультимедиа иловалар (аудио-видео материаллар) ни яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ғ.СОДИҚОВ.

➔ Ана холос...

“Матбуотчилар уйи” яна сотувга қўйилди

Бундан бир ярим йил муқаддам ҳам очиқ аукционга “Матбуотчилар уйи” биноси сотувга қўйилган эди. Бу борада ЎЗА сайтида “Қарзга бо-тирган бошқалар, “уйсиз” қолаётган журналистлар” танқидий материали ҳам эълон қилинган. Мақолага Тошкент шаҳар ҳокимияти бефарқ бўлмайд мазкур иш ҳужжатлари қайта кўриб чиқилганини маълум қилиб, муаммони ижобий ҳал этганди.

Яъни, жамоатчиликнинг фаол қаршилиги ва мутасаддиларнинг мавжуд муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши даврида Тошкент шаҳар ҳокимияти вазири фақида бекор қилинган ва “Матбуотчилар уйи” журналистларда, яъни аввалгидек, Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфида



(балансида) қолган. Эслатиб ўтамиз, “Матбуотчилар уйи” атрофида муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши даврида Тошкент шаҳар ҳокимияти вазири фақида бекор қилинган ва “Матбуотчилар уйи” журналистларда, яъни аввалгидек, Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфида Бугунга келиб эса

Е-йро аукцион очиқ аукционда бу бино ҳақида яна маълумот пайдо бўлди. Матбуотчилар кўчаси, 32-уйи 18.722 кв.м. дан иборат майдон 9.890 кв.м. бўлган литр 0001-7 қаватдан иборат ертўлали чордоқ қаватли маъмурий бинонинг 3,4,5,6,7- қаватлари ва чордоқ қисми

Иқтисодий судларнинг ижро ҳужжатига асосан сотувга қўйилди. 18 750 000 000.00 сўм билан савдога қўйилган мазкур бинода асосан матбуот вакиллари, яъни газета ва журналлар таҳририяти жойлашган.

Манба: ЎЗА.

► Сайлов — 2019

Номзодлар аниқ, навбат ташвиқотга

Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари Марказий сайлов комиссияси томонидан сандикланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тadbирлар дастури"га биноан изчиллик билан давом эттирилётгани алоҳида таъкидлади. Бунда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

Хар бир партиядан рўйхатга олинган 150 нафар, жами 750 номзоднинг барчаси олий маълумотли. Шулардан 310 нафари ёки 41,3 фоизи хотин-қизлардир. Бу — 2014 йилнинг декабрида ўтган сўнгги парламент сайловларидагидан қарийб 10 фоиз (31,8) кўпдир. Номзодлар орасида ҳуқуқшунослар — 6,9, иқтисодчилар — 19,1, шифокорлар — 12,4 фоизни ташкил қилади. Депутатлик мандати учун бир академик, 22 фан доктори ва 52 фан номзоди кураш олиб боради.

лаш мақсадида, уларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари қонунчиликда назарда тутилган тартибда белгилаб қўйилди.

Қонунчилик палатаси сайловларида иштирок этаётган сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти даврида бир ҳафтада Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телеканалларида 10 соат ва радиоканалларида 6 соат эфир вақти бепул ажратилади. Бу умумий номзодларнинг сайловолди ташвиқоти давом этаётган беш ҳафта мобайнида 50 соатни, радиода эса 30 соатни ташкил этади.

"Партияларнинг газеталаридаги чиқишлари қандай тартибда ўтказилади?" Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизматидан маълум қилишлари, сайловолди ташвиқоти даврида "Халқ сўзи", Народно слово" ва "Правда Востока" газеталарида бепул тақдим этиладиган нашр майдони ҳам тенг — ҳафта давомида ҳар бир сиёсий партияга бир саҳифадан. "Овози тожик" ва "Нурлы жол" газеталарида эса нашр майдони ярим саҳифани ташкил қилади.

Таъкидлаш керакки, бепул ажратиладиган эфир вақти ва нашр майдонидан фойдаланиш турлари, шакллари ва усуллари сиёсий партиялар мустакил белгилайдилар. Шунингдек, улар бепул ажратилган эфир вақтидан ва чоп этиш майдонидан воз кечишга ҳақли.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига биноан сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар таъминланган. Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар ўзининг истиқболдаги фаолият дастурини тарғиб қилиш ҳуқуқини таъмин-

қоқлик билан ўтказилаётган Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги тadbирлари самарали бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда, аввало, фуқароларни ўзларининг муҳим ҳуқуқларидан бири — сайловларда овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишга жалб этишга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда вазирлик тизимида "Адлия чорлови" мавзудаги лойиҳанинг амалга оширилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунда аҳоли гавжум жойлар ва оммавий ахборот воситалари имкониятларидан, сайловга чорловчи ижтимоий рекламалар, баннерлар ва билбордлардан кенг фойдаланилади. Айти пайтда вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва "Ҳуқуқий ахборот" телеграмм канали орқали "Сайлов алифбоси" рўқни ташкил этилиб, сайловга оид тушунчалар изоҳининг содда, лўнда ва тушунарли тарзда мунтазам бериб борилиши ҳам самарали ҳисобланади.

454 нафар адлия ходими мазкур йўналишдаги ишларга сафарбар этилган. Аҳоли ўртасида сайлов қонунчилигини тарғиб қилиш "Республика-вилоят-туман-маҳалла-хонадон" тамойили асосида ташкил этилган туфайли олти мингдан ортиқ тарғибот тadbирлари ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда "Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар" мавзуда кўплаб матбуот анжуманлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган ҳолда, учрашувлар ва семинарлар ўтказилмоқда. Бу борадаги ишлар сайлов кунига изчил давом эттирилади.

Қайд этилганидек, халқаро жамоатчилик шу йил 22 декабрда Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган сайловларга катта қизиқиш билан қарамоқда. Қатор халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг кўплаб кузатувчилари сайловларда иштирок этиш истигани билдирган. Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижий ва миллий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилмоқда.

Юсуф Жўраев, "Hurriyat" мухбири.

► Ўзлик

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси медиа марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда «Нотиклик санъати академияси» нодавлат таълим муассасаси билан ҳамкорликда "Телерадио бошловчилик маҳорати мезонлари, бу борада юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимлари" мавзуда ўтказилган семинар-тренинг Давлат тили масаласига бағишланди.

Давлат тили масаласи

МАВСУМИЙ ИШ ЭМАС



Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, хусусан, телерадиоканалларида таъминлаш хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси Алишер Ҳаджаев, "Нотиклик санъати академияси" нодавлат таълим муассасаси бош директори Раҳимбой Жуманиёзов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Маълумки, жорий йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги кенг нишонланди. Унда тарихда илк марта ба давлат раҳбари иштирок этиди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида тилимиз софлигини асраш ва уни келажак авлодга бус-бутун етказишга алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, мазкур фармонни қабул қилишга бўлган эҳтиёж ҳақида сўз юритди. Ушбу фармон билан Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Департаментнинг асосий вазифалари давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш ҳисобланади.

Семинар-тренингда давлатимиз раҳбарининг маърузаси ва Фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда телерадиоканалларнинг ўрни муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди. Телерадио ижодкорлари нотиклик

санъатидан ўта нозиклик билан фойдаланишлари ва адабий тил меъёрларига қатъий риоя этишлари шарт. Айрим теле ва радиоканалларда бошловчиларнинг шевада гапиришлари ва адабий тил қоидаларини бузиш ҳолатлари ўраётгани хусусида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда телерадиоканаллар орқали эфирга узатилаётган кўрсатув ва радиозиттиришларда бошловчилар, суҳбатдонлар ва журналистлар томонидан қўлланилаётган ҳар бир сўз ва ибора аҳоли ўртасида тез «истеъмол»га қиради.

— Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига бу йил ўттиз йил тўлди. Лекин ўтган ўттиз йил мобайнида мазкур сана катта байрам қилинмаган. Бу йил ушбу сана ўзгача қайфиятда ўтказилди, — деди Раҳимбой Жуманиёзов. — Аслида тил масаласи мавсумий иш эмас. Ўзбек тили билан ҳар кун нафас олишимиз, яшашимиз керак. Биринчи навбатда, бу ақида фаолияти тил билан боғлиқ журналистлар ва суҳбатдонларга тегишли. Телерадиоканаллар ва суҳбатдонлар ва журналистлар кўпроқ нутқининг аниқлигига эътибор қаратишлари керак. Тилининг адабий меъёрларига амал қилиши шарт. Бунинг учун улар ҳар кун китоб ва газета ўқиши жоиз. Нотиклик санъатидан устозлар маҳоратларини ўрганиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Яна бир гап, нотиклик дарс эмас, бу муолажа. Тилдаги нуқсонларни даволлаш муолажаси. Нотик бўлиш учун бир ёки ўн йил кифоя қилмайди. Бутун умр уни ўрганишимиз лозим бўлади.

Жобир Хўжақулов.



2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар муҳим омил бўлётди.

Шунингдек, ўтган қисқа даврда бешта сиёсий партия қонунда белгиланган муддатларда ўзининг қурултой ва съездларини ўтказди. Мазкур тadbирларда партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 150 депутатлик ўрни учун 150 номзод кўрсатилди.

Таъкидландики, сиёсий партиялар томонидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича

барча тadbирлар қонунчилик талабларига қатъий мувофиқ ҳолда, ошқоралик ва очиклик муҳитида амалга оширилган.

Хар бир партиядан рўйхатга олинган 150 нафар, жами 750 номзоднинг барчаси олий маълумотли. Шулардан 310 нафари ёки 41,3 фоизи хотин-қизлардир. Бу — 2014 йилнинг декабрида ўтган сўнгги парламент сайловларидагидан қарийб 10 фоиз (31,8) кўпдир. Номзодлар орасида ҳуқуқшунослар — 6,9, иқтисодчилар — 19,1, шифокорлар — 12,4 фоизни ташкил қилади. Депутатлик мандати учун бир акаде-

мик, 22 фан доктори ва 52 фан номзоди кураш олиб боради. Номзодлар сафида навқирон авлод вакиллари илгаригига нисбатан сезиларли даражада кўпайган. 25-40 ёшлар орасидагилар — 32,2 фоизни ташкил қилади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига биноан сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар таъминланган. Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар ўзининг истиқболдаги фаолият дастурини тарғиб қилиш ҳуқуқини таъмин-

► Мужда

Янги таълим маркази

Қарши давлат университети билан Россия Федерациясининг Белгород давлат университети ҳамкорликда қўшма таълим маркази ташкил этилди.

Қашқадарё вилоят Қарши шаҳрида Марказининг тантанали очилиш маросимида Белгород давлат университети ректори Олег Полушин бошчилигида университет делегацияси ташриф буюрди.

Қўшма таълим маркази 5 та ўқув ва 1 та ўқитувчилар хонасида иборат бўлиб, тил ўрганиши учун ўқув кўланмалари: дарсликлар, электрон луғатлар, аудио ва видео материаллар билан жиҳозланган.

Ушбу таълим марказида абитуриентлар, талабалар, университет ходимлари рус тилини ўрганишлари, рус адабиёти, маданияти билан танишишлари мумкин.

ҚарДУ ректори Б.Шоимқулов россиялик ҳамкасблари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш масаласида учрашди. Музокараларда ҳамкорликда қўшма факультет ва мактабгача таълим йўналишида қўшма дастур имзолашга келишиб олишди.

Учрашув якунида Белгород давлат университети ректори, профессор Олег Полушинга Қарши давлат университети-нинг фахрий профессори унвони берилди.

Дилчехра ЎРОЛОВА.

► Афсус

Депутат ҳудудларда мавжуд муаммоларни ўрганиш мақсадида ташриф буюрар экан, аҳоли манфаатлари йўлида хизмат қилиш унинг асосий вазифаси сифатида тилга олинади. Бугун жойларда ташкил этилаётган сайёр учрашувлардан асосий мақсад ҳам аҳоли муурожаатларини ижобий жиҳатдан ҳал этиб бериш ҳисобланади.

“Электр тармоқлари” хоҳласа жавоб бермайди!

Ўзбекистон "Адолат" СДП Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутатлари ҳудудларда бўлиб, аҳоли муаммоларини ўрганишар экан, муурожаатлар асосида уларнинг амалий ечимларида эътибор қаратиб келади. Аммо бир муурожаатни жойида ҳал этиш биргина депутатга боғлиқ эмаслиги, масала ҳамкор ташкилотлар кўмагида амалга оширилиши барчага кундек равшан бўлса-да, баъзи мутасаддилар депутат сўровига нисбатан нотўғри жавобни йўлласа, бошқалари олди-қочди муҳим жавоблари билан депутатни алдашга уринади. Баъзиси эса умуман жавоб бермайди, муаммони ҳал этишга уринмайди. Гўё депутат ўзича ташкилот ходимларини безовта қилаётгандек...

Депутат Ориф Эгамов Бухоро шаҳрида жойлашган "Алишер Навоий" МФЙ ҳудудидаги "Мехтар амбар" кўчасида истикомат қилувчи Нафиса Қодирова, Рейхан Ибрагимова ва Гулсара Қурбонавалар муурожаатларига асосан шаҳар Электр таъминотида жорий йилнинг 3 октябрь

ойида сўров билан муурожаат қилганди. Унда юқорида номи келтирилган кўчада айрим симёғочларнинг носоз ҳолда эканлиги, ёритиш чирокларининг йўқлиги тўғрисидаги камчиликлар қайд этилганди.

Маълумки, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутати мақоми тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида муаммолар юзасидан ташкилотга йўлланган депутатлик сўровига ташкилот раҳбари ўн кун муддат ичида маълумот тақдим этиши лозим. Аммо... Ёки "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК Тўғрисидаги КОДЕКС"нинг 26- "Бошқарувнинг белгиланган тартибига таъжовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик" деб номланган бобининг 193-моддасида "Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан депутатлар ҳамда сенаторлар олдидаги ўз ва-

зифаларини бажармаслик, уларнинг ишига тўқсинлик қилиш, уларга атайлаб сохта маълумот бериш, депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатларини бузиш, худди шунингдек, мансабдор шахслар томонидан парламент сўровини, депутат, сенатор сўровини кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб нотўғри маълумотларни қасддан тақдим этиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади", дея қайд этилган.

Бухоро шаҳар электр таъминоти мутасаддилари икки ҳуқуқий ҳужжатнинг моҳиятидан бехабар қолган чоғи, ўн кун, йигирма кун... хуллас, орадан бир ойдан ортиқ вақт ўтибди ҳамки, депутатнинг сўровига на жавоб йўллаган ва на масалани бориб ўрганишган.

Ўзимизча балким муаммони ҳал этиб берган-у, аммо депутат сўровига узрли сабабларга кўра жавоб йўллай



олмаган дея, таҳмин қилдикда, ҳудудда истикомат қилувчи фуқаро Гулсари Қурбона-ва билан боғландик:

— Симёғоч масаласини неча мартаба билдириб ўтганмиз, депутатлар ҳам келиб ўрганишди, уларнинг ташкилотга тақдим этган муурожаатлари асосида ҳам ҳеч ким келиб ўрганишди. Наҳотки, бизнинг кўчадан кунига минглаб чет эллик меҳмонлар ўтишини билиш-маса, кўчаларимиз кечаси қоронғи, фарзандларимиз, шахримиз меҳмонлари учун қийшайиб турган симёғоч хавфли вазиятларни юзага келтириш мумкин, дея қайта ва қайта кўмак сўрадик. Ҳамма жим...

Мана сизга қадим Бухоро-дек шахри азимда бугунги шаҳар мутасаддиларининг одамларга, элу халқ сайлаган депутатга бўлган муносабати ва "хурмат"и!

Моҳиғул АБДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилоят Кенгаши матбуот котиби.

ОБУНА — 2020

Келгуси йил учун обуна давом этмоқда.



Азиз юртдошлар, "HURRIYAT"га ошно юраклар — обуна бўлинг! "Ўзбекистон почтаси" АЖ ва "Матбуот тарқатувчи" АК филиаллари ҳамда соҳага тааллуқли бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин. Нашр индекси: 233.

► АХВОЛ

Маълумки, 2018 йилдан буён “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида мамлакатимизда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Аммо Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги “Файз” маҳалласи бу йўналишдаги ишлардан четда қолганга ўхшайди. Маҳаллий аҳоли тилида “Мясокомбинат” номи билан аталадиган бу жойга мутасаддилар умуман эътибор қаратишмаяпти. Бу ердаги коммунал хизмат кўрсатиш, йўллар ва кўпқаватли уйлар атрофидаги манзара шундай дейишга асос бўлади.



қилинаётган ободончилик ва бунёдкорлик ишларини кўриб: “Бизнинг ҳам маҳалламиз ободонлаштирилса”, деб ҳавас қиламиз, — дейди 82 ёшли Рима исмли онахон. — Бу жой 30 йилдан бери ташландиқ. Бунинг ўрнида болалар майдончасими, спорт мажмуасими, хуллас, нимадир қурса бўларди. Ўзингиз кўриб турибсиз, кўпқаватли уйларда яшайдиган болалар учун тайинли ўйин майдони йўқ. Хозир бу ерда кемирувчи жониворлар ва турли ҳашаротлар кўпаймоқда.

Онахоннинг гапида жон бор. Бу жой спорт мажмуасими ёки болалар майдончаси кўриш учун жуда қулай. Сабаби электр, газ, сув, иссиқлик таъминоти ва канализация тармоқлари мавжуд.

Қурилиш тўхтаб қолган уй, ташландиқ ҳудуд ҳақида маълумот олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини идорасига кетаётганимизда йўлда кўлмакларни айланиб ўтиб, мактабга келаётган болаларга кўзимиз тушди. Буни қарангки, ташландиқ ернинг ёнгинасида 44-умумтаълим мактаби бор экан.

Эрталабки соат 9:00 да “Файз” маҳалласи идорасида ҳеч ким йўқ, эшиги кулф. Биз маҳалла раиси ёки мутахассислари келиб қолар, деган ўй билан 2 соат, яъни соат 11:00 га қадар кутдик, аммо на маҳалла

Узоқ йиллар истиқомат қилиб келаётган одамларнинг айтишича, 1980 йилларда бу жойлар обод маскан бўлган. Худудда Тошкентдаги энг катта гўшти қайта ишлаш корхоналаридан бири — “Тошкент гўшт комбинати” фаолият кўрсатарди. Аҳоли иш билан банд эди. Ўша пайтларда йигирмага яқин 4 қаватли уй, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш масканлари қурилган. Йиллар ўтиб “Тошкент гўшт комбинати”нинг фаолияти тўхтагач, гўё бу ерда ҳаёт бир нафас тўхтагандай бўлди.

нинг орқа томонида уй қурилиш бошланиб, биринчи қавати битар-битмас тўхтаб қолган ва ҳозирда хароба, ташландиқ жойга айланган, каттагина майдон эътиборимизни тортди. Тахминан бир гектарга яқин жойнинг бир бурчаги чиқинди ташланадиган ҳудудга айланибди. Буни чиқиндилар уюмидан билдик, на бир чиқинди ташланадиган идиш бор, на бир девор билан ўралган, на олиб кетадиган эгаси бор... Қолган ҳудудда кесилган дарахт шохлари, бетон бўлақлари, хуллас, бир уюм ахлатхонадан қўланса ҳиди анқийди.

З.Шарипова. — Сиз кўриб турган чала қурилиш 1986 йилларда бошланган. Кейин тўхтаб қолди. Ушандан бери жойга айланган, каттагина майдон эътиборимизни тортди. Турли юкүмли касалликлар тарқаладиган маконга айланган. Ҳеч кимнинг иши йўқ.

— Ёшим 67 да, шу ерда истиқомат қиламан, — дейди

— Телевизорда жойларда

► Молия муассасаларида



асосийси, ҳалол меҳнат натижасида ушбу молия муассасасига ишонч билдирган мижозлар сони ортаётир. Айни пайтда 23 мингдан ортиқ компания ўз бизнесларини энг омадли лойиҳалар қаторига қўшиш имконига эга бўлишди. Бунда республикамизнинг барча ҳудудларида эрта-ю кеч меҳнат қилаётган муассасанинг бир қатор бўлинмалари ва янгидан ташкил этилаётган банк хизматлари марказлари ходимларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

ЯНГИ МАРКАЗЛАР

ҳам мижоз, ҳам муассаса учун қулайликдир

Аҳолига молиявий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва мижозларга қулайлик яратиш мақсадида пойтахтимизнинг Миробод ва Мирзо Улуғбек туманларида “Туронбанк” АТБнинг навбатдаги иккита замонавий банк хизматлари марказлари иш бошлади. Уларнинг очилиш маросими тантанали тарзда ўтказилиб, тадбирда молия муассасаси раҳбарияти, банк ходимлари ва мижозлар иштирок этди. Анъанага мувофиқ, алвон тасма кесилди.



Янгидан ташкил этилган мазкур марказларда малакали банк ходимлари юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли молиявий ва консалтинг хизматлари кўрсатади. Бу ерда ҳисоб рақам ва пластик карталар очиш, кредит олиш учун ариза бериш, омонатларни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмаларини бажариш мумкин.

учин тўловларни ҳафтанинг исталган куни, сутканинг ҳар қандай вақтида амалга ошириш имконини беради. Марказларда жойлаштирилган универсал кассалар мижозларнинг навбат кутиб, сарсон бўлишларига чек қўяди. Уларнинг қулайлиги шундаки, биргина ходимнинг ўзи ҳар қандай саволга жавоб бериб, сифатли хизмат кўрсата олади.

— Маҳалламизда авваллари бундай марказлар бўлмаган. Кредит олиш, омонатларни жойлаштириш у ёқда турсин оддийгина пластик карточкамиздаги маблағларни нақдлаштириш учун ҳам бир неча километр йўл босишга тўғри келарди, — дейди фуқаро Гулҳумор Омонуллаева. — “Туронбанк” ташаббуси билан ҳудудимизда хиз-



Замонавий банкомат ва инфокиосклар 24/7 режимида ишлаши йўлга қўйилган. Бу эса миллий ва халқаро пластик карталардаги маблағларни нақдлаштириш, коммунал, уяли алоқа операторлари, шаҳар телефонлари, кабель телевидениеси, интернет хизмати учун тўловларни ҳафтанинг исталган куни, сутканинг ҳар қандай вақтида амалга ошириш имконини беради. Марказларда жойлаштирилган универсал кассалар мижозларнинг навбат кутиб, сарсон бўлишларига чек қўяди. Уларнинг қулайлиги шундаки, биргина ходимнинг ўзи ҳар қандай саволга жавоб бериб, сифатли хизмат кўрсата олади.

жарувчи Равшан Файзиев. — Яъни банк учун мижозлар билан яқин, юзма-юз бўлиш мумкин, бу кенгрок хизмат кўрсатиш имконини беради. Қолаверса, бугунги тезкор даврнинг талаби ҳам шу — тез, қисқа ва сифатли. Аҳолига ҳам айни шундай хизмат зарур. Қисқаси, бундан икки томон ҳам манфаатдор. Янги марказларимиз кунига 200 нафардан ортиқ юридик ва жисмоний шахсга хизмат кўрсатади. Қолаверса, банкомат ва автоматлаштирилган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи киосклар ҳам доимий равишда эл хизматида.

мат кўрсатиш марказининг очилиши, узоғимизни яқин, мушкуллимизни осон қилди. Бино замонавий, кўркам тарзда қурилганини кўриб, очилиш маросимида иштирок эттишга қарор қилдик. Мана, кўряпмизки, барчаси кўнгилдагидек. Мутахассислар мижозлар билан яхши муносабатда, саволларимизга тезда жавоб қайтариб, хизматлар билан таништиришмоқда. Бунинг учун ташкилотчилардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, марказларнинг замонавий дизайн асо-

сида миллий меъморчилик андозалари билан уйғунлашган ҳолда қурилгандир. Бу ерга ташриф буюрувчилар учун шинам жой тайёрланган, ўрнатилган мониторда “Туронбанк” АТБда жорий этилаётган янги хизматлар ҳақида батафсил маълумот бериб борилади.

— Марказимизнинг аҳоли гавжум ҳудудда жойлашгани биз учун ҳам, маҳаллий фуқаролар учун ҳам қулайлик туғдиради, — дейди “Туронбанк” АТБ стратегик ривожлантириш ва маркетинг департаменти раҳбари вази фасини вақтинча ба-

► Қарор ва ижро

Давлатимиз томонидан туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги қарориди соҳа ривожига онд муҳим вази фалар белгиланди.

Хусусий тиббиёт муассасаларида ҳам туғуруқ амалга оширилади

Ўз навбатида она ва бола саломатлигини асрашда, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришда ушбу қарор муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, юртимизда илк бор ушбу соҳага хусусий секторнинг кириб келишига кенг йўл очилди.

бўлган муассасаларга ружхат этилади. Хужжатда, 2020 йил 1 мартга қадар соғлиқни сақлаш ва ФХДЕ органлари ўртасида туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашинуви дастурини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тавсия қилинган ҳисобот шаклларини реал вақт режимида юритиш, шунингдек, ушбу дастурга хусусий тиббиёт муассасаларининг улашиши ҳамда уни соғлиқни сақлаш комплекс ахборот тизимига интеграция қилиш учун зарур шароитлар яратиш инобатга олинган. Хозирда тиббий фаолиятга белгиланган лицензия талаб ва шартларига ақушерлик фаолияти билан шуғулланиш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Хавфсиз оналик” стратегияси талабларига риоя этилишини таъминлай оладиган туғуруқ, жонлангириш, чақалоқларни жонлангириш, муддатига етмай туғилган чақалоқларни парвариш қилиш, эндовизуал гинекология бўлимлари, поликлиника, бактериологик ва клиник-биокимё лабораториялари ҳамда юқори малакали тиббиёт ходимлари мавжуд

Ҳамид АХРОР.

Феруза БЕРДИЕВА.

Реклама ҳуқуқи асосида

Х.АҲМАДЖОНОВА.

► Талқин

Газета, шубҳасиз, инсоният яратган буюк кашфиёт, маънавият сарчашмасидир. Замонлар, даврлар оша ўз қадрини йўқотмай, керакли бўлиб келаётган газетачилик соҳаси, гарчи бугунги кунда маълум қийинчиликларни бошидан кечираётган бўлса-да, барибир, ҳозирги пайтда ҳам беқиёс аҳамиятга, ўз ўрнига моликдир. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди.

Газета — Тарих Яратувчиси

Авалло, газета маънавият кишининг яқин ҳамроҳи эканлигини айтсам, истеъдодлар учун эса илк эшик ва мактаб, ўзига хос илҳом манбаи вазифини ўтайди. Ёзувчи, шоир, олим, журналистнинг катта қисми адабиётга, илм-фанга, публицистикага газеталар орқали кириб келган. Чунки уларнинг илк бадиий машқлари, мақолалари газеталарда чоп этилган.

Кўпчилик таниқли шахслар ўз мухлислари билан давр силсилалари ва миллий адабиётимиз муаммолари, келгусида бажарилиши лозим бўлган долзарб масалалар хусусида газета орқали мулоҳаза юритади. Қалами матбуотда чарчланиб, кейинчалик таниқли ёзувчи, шоир ёки журналист сифатида танилади. Китоблари севиб ўқилаётган адабиёт даргалари ҳам газетада илк кўриниш қилганлар.

Аксарият китобхонлар эса газеталардаги мақолалар, турли журналлардаги ижод намуналардан баҳраманд бўлиб, бора-бора бадиий асарларнинг ҳақиқий мухлисига айландилар.

ЎҚИТУВЧИНИНГ КЎМАКЧИСИ

Ўқитувчи ўз шогирдлари орасида ёзиш қобилияти бор ўқувчини пайкаса нима қилади? У, албатта, газета тахририятга етаклаб келади. Бу ерда ёш истеъдодга илк маслаҳатлар бериллади. Мабодо ёзганлари газетада чоп этилса борми, ўқувчи қанот боғлайди, ижод сари учеди. Ўқишга, изланишга бўлган рағбати кучаяди.

Бундай ўқувчилар катта ҳаётда тезда ўз ўрнини топиб кетишади. Элда ҳурмат, обрў-эътиборга сазовор бўлишади. Китоб, газета ва журналларни ўқиш ҳаётининг мазмунига айланади.

Худди, шунингдек, ўқувчининг бошқа соҳаларга — масалан, рассомчиликка, му-



сиқага ёки бирон-бир фанга қизиқиши тенгқурларининг илк ютуқлари газетада эълон қилинганда ортганини кузатганимиз.

Газетанинг бундай беқиёс имкониятларидан фарзандларимизнинг унумли фойдаланишига ёрдам кўрсатиш, биринчи навбатда, ўқитувчининг зиммасида. Албатта, ўсмир-ёшлар телевизорнинг, интернетнинг жозибдорлигига махлиб бўлиб, газетага чап кўзи билан қараса, кейинчалик пушаймон бўлади. Бундай жараён кучайиб кетганида эса бутун халқ, миллат кўп нарсани бой бериб қўяди.

ТАФАККУР ЯЛҚОВ БЎЛИБ ҚОЛМАСИН

Телевидениенинг тезкорлик, жозибдорлик борасидаги устуңлигини инкор қилмаган ҳолда газетанинг ўта фойдали томонларидан воз кечиш бўлмайди. Агар синаб кўрмоқчи бўлсангиз, телевизорда бир воқеани томоша қилингиз, уни газета орқали ўқиб кўрингиз, ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Сиз воқеа тафсилоти билан танишар экансиз, сўзларнинг қандай ёзилишини,

қаерда нукта, вергул, сўроқ, ундов сингари белгиларнинг қўйилишини, хат боши нима эканлигини, бош ҳарф, кичик ҳарфнинг ўрни қаердалигини ўрганиб борасиз.

Мабодо, бу борада билимингиз етарли бўлса, янада мустаҳкамлашга эришасиз. Мақолани ўқиб, воқеани фикрингизда жонлантрасиз. Бу билан сиздаги ҳужайралар ҳаракатга келади. Ҳаракат эса билим ва тафаккурнинг янги уфқларини очеди.

Телевизорда бу масала тайёр ошдай гап. Сиз тайёр тасвири кўришга доимий одатланар экансиз, менимча, хаёл экранингиз дангаса бўлиб қолиши мумкин. Чунки сиз тайёр тасвири қабул қилаёсиз. Воқеани тафаккурингизда ўзингиз тўлиқ жонлантirmасиз.

Газетада чоп этилган мақолани истаган вақтингиз қайта-қайта ўқиб, мағзини чақиб, шундан сўнггина керакли хулосалар чиқариш мумкин. Телевизорда бундай имконият йўқ. Телевизор ва интернет хаёл экрани кўёшдек порлаган буюк шахсларнинг ихтироси эканлигини унутмайлик. Бошқача айтганда, телевизор ва

ки, бир одамнинг бошига қулфат тушади. Энди унинг тақдири ҳуқуқ-тартибот идорасидаги масъул шахснинг сўнгги ҳосаси билан боғлиқ эди. У кишининг ҳимоячиси ҳаётда амалга оширган турли хайрли ишларини далил сифатида келтиради. Аммо узил-кесил ҳимоя учун далил камлик қилди.

Шунда бирдан хаёлига ўзи ҳақида газетада ёритилган мақола келади. Шу мақола ҳал қилувчи далил бўлади ва бошида айланиб турган “қора булут”лар тарқаб кетади.

Ҳа, ҳаётда газетанинг шундай фойдаси ҳам бўлиб туради.

ОНА ТИЛИМИЗ ҲИМОЯЧИСИ

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 21 октябрда “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақоми тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади.

Бу ҳужжатнинг қабул қилинганлиги барчамизни беҳад мамнун қилмоқда. Чунки ўзбек тили, таъбир жоиз бўлса, миллий истиқлол ғоясининг ўзак қисмини, ажратиб бўлмас, ўта муҳим бўлагини ташкил этади. Она тилимизга эътибор — ўзбек миллатига, Ўзбекистон халқига, ўзбек давлатчилигининг тараққиётига эътибордир.

Президентимиз олдимизга қўйган бундай ўта муҳим вазифаларни газета ўқимасдан удралай олмаимиз. Чунки кўчалар, хиёбонлар ва майдонлардаги рекламаларда, эълонларда, широрларда ўзбек тили қондалари бузилганлигини кўп кузатмоқдамиз. Оддий кишиларга тушунарли бўлган ажнабий ном ва ёзувларнинг боллаши эса ўзини ватанпарвар деб ҳисоблайдиган кишиларнинг гашига тегмоқда.

Бизнингча, газета билан дўст бўлган киши бундай камчиликларга йўл қўймайди, мабодо муаммо пайдо бўлса, газетани чикиш қилиб осонгина ҳал қилиши мумкин.

ЮРАК КЎРИ

Албатта, газеталар ўқимишли бўлиши керак. Бунинг учун тахририятга салоҳиятли журналистлар жамланиши, зарур.

Журналист юрак кўри билан ёзсагина, мақоласи бошқа юракларга етиб боради, ёзганини ўқувчи излаб, севиб ўқийди. Мақолада қониққан, ундаги тафаккур жилolari руҳият ташналигини қондирган, қалбнинг қоронғу бурчакларини ёритиб юборган ўқувчи обунга учун сарфлаган пулига ачинмайди.

Газетанинг ўқимишлилиги — энг яхши ташвиқот. Энг яхши реклама ҳам шундан иборатдир. Бунга меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат билангина эришилади.

Товбой ХҲЖАМБЕРДИЕВ,
фахрий журналист.
Галлаорол тумани.

► Оғриқ

Аёлларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шароитлар етарли. Аммо, беш қўл баробар эмас-да, ҳамон ўз ўрнини топа олмаган хотин-қизлар ҳам кам эмас.

АЁЛЛАР қачонгача “мардикор бозори”га чиқишади?



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросига бағишланган матбуот анжумани кунини кеча Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази мутаассаддилари иштирок этди. Матбуот анжуманида айтилишича, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 250 мингдан ортиқ ишсиз хотин-қизлар ишга жойлаштирилган.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган 5 мингдан ортиқ хотин-қизга Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ногиронлик аравачалари ва бошқа реабилитация воситалари олиб берилди. Тадбирда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Зулайхо Маҳкамова бу борада амалга оширилаётган ишлар билан журналистларни таништириб, учраётган муаммоларни ҳам санаб ўтди:

— Қўмитага келиб тушаётган шикоятларнинг кўпи аёлларнинг уй-жой, оилавий муаммолар, бандлик, кредит олиш ҳамда зўравонлик масалаларида бўлмоқда. Қолаверса, айрим ҳудудлар бўйича хотин-қизларнинг ҳуқуқлари поймол этилаётгани айтилмоқда.

Гоҳида аксарият аёлларнинг ишонасидан ноҳақ бўшатишларини ҳам эшитамиз. Ўрганишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, шу пайтгача 2 мингга яқин иш берувчилар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини бузган. Уларнинг аксарияти бизнинг сўй-ҳаракатимиз натижасида ҳал этилди.

Ўзингизга аён, аёлларнинг бир кунлик ёлланма меҳнат билан шуғулланиши жамиятда кўп муҳокама қилинди. Аммо хануз

бу борада тизимли ишлар амалга оширилмади. Бозорлар ва одам қатнови кўп бўлган катта йўллар атрофида аёлларнинг тўпланиб, “мардикор бозори”га чиқаётгани жамиятимизнинг энг оғриқли нуқтаси ҳисобланади.

Гулдек нозик ҳуссаси билан оғир ишларга ҳам тирикчилик туфайли кўнган аёлларнинг қисмати ҳақида Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Мукаррама Нурматова қуйидагиларни маълум қилди:

— Сир эмаски, аёлларнинг барчаси ҳам тирикчилик туфайли кўнган аёлларнинг қисмати ҳақида Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Мукаррама Нурматова қуйидагиларни маълум қилди:

— Сир эмаски, аёлларнинг барчаси ҳам тирикчилик туфайли кўнган аёлларнинг қисмати ҳақида Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Мукаррама Нурматова қуйидагиларни маълум қилди:

— Сир эмаски, аёлларнинг барчаси ҳам тирикчилик туфайли кўнган аёлларнинг қисмати ҳақида Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Мукаррама Нурматова қуйидагиларни маълум қилди:

— Сир эмаски, аёлларнинг барчаси ҳам тирикчилик туфайли кўнган аёлларнинг қисмати ҳақида Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Мукаррама Нурматова қуйидагиларни маълум қилди:

Феруза РАҲИМОВА,
«Hurriyat» мухбири.

► Спорт

Кубок Андижонга насиб этди

16-17 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида АТ Халқ банки томонидан мини-футбол (футзал) бўйича «Бошқарув Раиси Кубоги-2019» анъанавий мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақада 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда 14 та ҳудудда ўтказилган саралаш ўйинларида ғолиб бўлган банкнинг 14 та филиал жамоалари ҳамда Марказий аппарат ходимларидан иборат 2 та жамоа ғолиблик учун курашди.

Мусобақада Андижон вилояти филиали Амалиёт бўлими жамоаси чемпионлиқни қўлга киритди. Улар финалда Бухоро вилояти Жондор тумани филиали жамоасини 3:1 ҳисобида енгишти. Шу тарихда 1-ўрин Андижон вилояти жамоасига, 2-ўрин Бухоро вилояти жамоасига тегишли бўлса, 3-ўрин эса Тошлоқ филиали (Фарғона) ва Шайхонтоҳур филиали (Тошкент ш.) жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ва турли номинация бўйича совриндорларга диплом, медаллар ва эсдалик совгалари топширилди.

Банк ахборот хизмати.



16 ноябрь (Гуруҳ босқичи)

<i>А гуруҳи</i>	
Сурхондарё — Жиззах	0:5
Корақалпоғистон — Тошкент вил.	10:0
Сурхондарё — Корақалпоғистон	0:1
Жиззах — Тошкент вил.	7:1
Сурхондарё — Тошкент вил.	5:1
Корақалпоғистон — Жиззах	2:5

<i>В гуруҳи</i>	
Самарқанд — Марказий аппарат	3:2
Наманган — Сирдарё	5:1
Самарқанд — Сирдарё	4:1
Марказий аппарат — Наманган	4:1
Самарқанд — Наманган	3:1
Марказий аппарат — Сирдарё	4:3

<i>С гуруҳи</i>	
Андижон — Хоразм	1:3
Бухоро — Навоий	0:0
Андижон — Навоий	2:1
Бухоро — Хоразм	2:0

Андижон — Бухоро	2:2
Хоразм — Навоий	0:3
<i>Д гуруҳи</i>	
Фарғона — Қашқадарё	5:0
Тошкент ш. — Марказий аппарат (ёшлар)	0:0
Фарғона — Марказий аппарат (ёшлар)	3:0
Қашқадарё — Тошкент ш.	1:5
Фарғона — Тошкент ш.	2:0
Марказий аппарат (ёшлар) — Қашқадарё	2:0

17 ноябрь (Чорак финал)

Жиззах — Андижон	1:2
Самарқанд — Тошкент ш.	1:2
Бухоро — Корақалпоғистон	3:1
Фарғона — Наманган	2:1

(Ярим финал)

Андижон — Тошкент ш.	4:2
Бухоро — Фарғона	0:0 (пен. сер. 3:2)

Финал

Андижон — Бухоро	3:1
------------------	-----

► Кечинма

ТАЪБИАТ - улуг ижодкор

Хиротдаги хушманзара Унсия ижод аҳлининг боғи бўлган. Ҳазрат Навоий Унсияга ўз қўли билан мевали дарахт ва гуллар эккани ҳақида маълумотлар мавжуд. Жомий ва Навоий адабий мактаблари ҳам Унсияда жойлашганди. Бу мактабда қанчадан-қанча истеъодлар тарбия топганди.

Мирзо Бобурнинг Кобулда ўнта боғ барпо этганиги манбаларда қайд этилган. "Шахро ро боғ" шулар жумласидандир. У "Бобурнома" да ўзи бунёд этган боғларнинг манзарасини тасвирлайди. Дашти Шайх қирлари эстагида ўсадиган лоланинг 33 хилини қаламга олади. Ҳиндистондаги Жамна дарёси соҳилида "Рам боғ"ни барпо этди. Мевали дарахтлар билан бирга, оқ ёсуман, самбитгул, жосун каби гуллар, манзарали сароҳлар экилади. Ҳиндистондаги "Боғи Бобурий" хануз барқарор. Маҳаллий халқ хушбўй атиргулни Ҳиндистонга биринчи бўлиб Бобур келтирганини ҳали-ҳали таъкидлайди.

КАЛАМ АҲЛИ БОҒИ

Замондошлари академик шоир Фафур Фуломнинг "бобурнома" сиймосини бот-бот эслайдилар. Тошкентнинг Арпаоя маҳалласидаги ховлиси чаманзор гўшасини эслатарди.

Абдулла Қаҳҳор ҳам наботот дунёсининг яқин дўсти эди. Уй-музейини зиёрат қилиб, бир замонлар у экан мевали дарахтга қўзи-

Абдулла Қодирийнинг ҳам катта боғи бўлган, тўғрироғи, у падали бузруквори Қодир бобо барпо этган боғ ичда ўсиб-ўлгайди. Бир куни боғ дарчасини кимдир тақиллатди. Жулқунбой бориб дарчани очгач, салом-алиқдан сўнг, Абдулла Қодирийни зиёрат қилмоқчидим, деди келган одам. У улуг ёзувчини боғбон ё уй хизматчиси деб ўйлаган экан-да.

1933 йилнинг баҳор ойлари рус ёзувчиси Алексей Толстой рафикаси билан Абдулла Қодирий уйда меҳмон бўлади. Сершаҳд узумлардан татиб кургач, "қанийди, бизнинг ҳам боғимиз бўлса", дейди Толстой рафикасига юзланиб. Энди боғимиз, узумзоримиз бўлади, дейди турмуш ўртоғи Табассум билан ва Ҳабибулла Қодирий (А.Қодирийнинг ўғли)дан бир неча тоқ новдаларидан олиб беришини сўрайди. Хоҳиши бажарилгач, новдаларни зонтик ўрнида бошига тутиб, миннатдор ҳолда, жўнаб кетишади.

Табиат, ўз навбатида, улуг ижодкор. Унинг нимага қодирлиги фақат уйғониш фаслида-мас, йилнинг тўрт фаслида яққол намобн бўлади. Табиат ва қўли гул инсон ҳаракатининг бирлашуви ҳақиқий мўъжиза яратадди. Бугун шундай мўъжизани Миллий боғ ҳудудидаги мухташам Адилбар хибёнида ҳам кўришимиз мумкин.

Севимли адилбаримиздан бирининг: "Боғ ҳақида мухташам Президентимизнинг сўзларини эшитарканман, ҳаёлимда Алишер Навоий таваллуд топган Хирот, у ердаги Унсия боғи жонланди", деб таъкидлашда жон бор, албатта.

2017 йили ижод аҳли учун ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлди. Апрель ойининг 18 санасида Президентимизнинг "Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адилбар хибёнини барпо этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. 2017 йил 23 декабрда мухташам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Адилбар хибёни билан танишиш мақсадида Миллий боғга ташриф бурди. Биз доимо зиёдиларни, ижодкорларни қўллаб-қувватлашимиз керак, деди мамлакатимиз раҳбари бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашувда.

Боғ ичдаги Мир Алишер Навоийнинг мухташам ҳайкали — барҳаёт шеърийатнинг муаззам мужассамаси эди. Адилбар хибёнига қўйилган Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Ҳамид Олимжон ва Зулфияноним, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Фафур Фулом, Озод Шарафуддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуфларнинг жонажон халқи ва Ватанига бўлган меҳр ва садоқат тимсоли ҳайкаллари ҳам бамисоли асарлари сингари ўзбек адабиёти бўстони беэзаб турибди.

Хибёндан ёшлар қадами узилмайди — бу ерда навниҳол боғбон меҳрини туйиб ва тафаккур дунёсидан баҳра топиб, ўзи учун бир умрга унутилмас сабоқ олади. Чаманзорнинг бегубор ҳавоси ҳисларнинг кўнгилдан қозоғга тўқилишига сабаб бўлади. Бу маскан ёш ижодкор учун маҳорат, меҳнат, яратувчанлик оламидир. Адабиёт боғида янги дунёлар очилиб, шеърийят ва ижодга меҳри ошади, сеҳрли оламга интилиш иштиёқи ортиб бораверади...

Муҳаммад ШОДИЙ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

► Меҳр

Рўзигул опа оддийгина ўқитувчи эди. Бошланғич синфга дарс берар, эртдан кечгача мактабда қуймаланарди. Тўладан келган, боқибегам аёл, умрида бировга озор бермаган, ҳар бир гапни ҳазилга олиб, йўқ ердан хурсандчилик яратар эди.

Қарз қиёматга қолмасин...



Ёки интизор кўзларни йиғлатманг!

Ёлғиз ўғлининг фармацевт бўлишини истар, унинг келажагини порлоқ кўрарди. Фарзанди ҳам тиришқоқ экани, бюджетга ўқига кирди. «Тошкенту азимни кўриб келамиз энди», деб опа роса севинди, боласи қишлоққа қайтганида ёғли патирлар ёпди, унга атаб тотли таомлар тайёрлади. Рўзгордан орттирган бир, икки сўмини ҳам талаба ўғлига илинар эди. Лекин фарзанд ота-она топангани ейман, дейдиган хилдан чикмади. Илжори борича оиласидан пул олмас, тушликкача ўқиб, ундан сўнг усталарга қўшилиб одамларнинг уйини таъмирлаб даромад топарди. Узини ўқачўққа уриб юрган шундай кунларда бошини шамоллатиб қўйди. Ёш-да, касалликни жиддий қабул қилмаган. Бироқ безътиборлик йиғитчага қимматга тушди. Бошида ҳеч кимга билдирмай, ўзича даволаниб юрди, лекин бора-бора дард асорати кучайгач, уйдагиларга хабар берилди. Рўзигул опанинг ўша пайтлардаги изтироблари, у касалхонадан бу касалхонага ўғлини олиб юрганлари, салкам жиннига айлиниб қолгани эсимда. Афсуски, баъзида ҳаёт шу қадар

бешафқат бўладики, унинг «кўнглини юмшатиш учун жонингдан кечсанг ҳам фойдаси йўқ. Бечора аёл танаси совуб қолган фарзандини қўлига олганда кўнглидан қандай азобларни кечиргани ёлғиз Худога маълум. Бошқаларга аён ҳам бўлмасин... Шундан кейин у бетоқат бўлиб қолди. Қизилтепадан тез-тез Навоий шаҳрига келар, бизникида меҳмон бўлар, яна тезлик билан ортига қайтиб кетар, бошқа гапларни гапириб чалгитмас ҳам маззу бориб ўғлига тақалар эди. — Гапирманг, бўлди, эсламанг, — дея шўрликнинг ёзғиришига йўл қўймас эдик. Бу овутишнинг энг ялқов усули экан... Қиш кунлари, совуқ, изғирин... Юрак етишмовчилик... шунақа эди унга қўйилган ташхис... 50 га кирдимиз, кирмадимиз... Ҳаёт бунча тез тусини ўзгартирмас, ахир, кечагина ҳаммаси ўз ўрнида эди-ку, энди эса бу ўринлар бўш... Инсон кадр-қиммати ҳақида кўп гапираримиз... Аслида, бунинг бир қонун-қоидаси йўқ, шунчаки, ёнимиздаги биз меҳр беришни унутганларни эсламоқдан бошланади одамийлик...

Майли, қайгуларингизни гапиринг, узок-узок ҳикоя қилинг, нима қийнапти сизни, азизим инсон? Менинг ишларим кутиб туради, ҳаммаси чала қолишга арзийди, сиз ахир ҳар қандай ишимдан юксаксиз, қадрлисиз, дейдиган одам бўлса қандай яхши... Афсуски, баъзида, тўлиб кетган юраклар қаерга тўқилишни билмай ёлғизликдан ёрилади, не-не азим чинорлар қаровсизликдан қулайди... Уларни асраб қолиш мумкин эди-ку... Биргина сўз ҳам тиргак бўлишга, суяшга қодир эди-ку... Қўлларимиз ҳар куни ўнлаб жиҳозларни ушлайди, коса-товуқлар, ручка, мебеллар, супурги, машина рули, эшик тутқичи ва ҳоказолар. Лекин изтироб чекаёт-

ган одамнинг бошини силашга етмайди, бефарқликдан калталик қилади... Ҳар куни қанчалар сўзларни сўзлаймиз, рости ёлғон, керак, кераксиз. Бироқ далдага зор кимсалардан бир оғиз ширин сўзни қизганамиз. Ишдан чарчаб қайтганда телефондан танишларимизнинг рақами чиқади, оилавий ташвишлар бошдан ошиб ётибди, хуллас, уларнинг интизорлигига жавоб бермаймиз, кейинроқ бир баҳона топилар... Шу тариқа умр шиддат билан ўтаётгани, ғанимат дийдорнинг қарзи бўйнимизда қолиб кетаётганини унутамиз. Ана шундай биз майда санаган, аслида катта гуноҳларимиз, эътиборсизликларимиз, тўшбағриликларимиз, эринчоқликларимизнинг жавоби, яқинларимиздан меҳр қарзимиз бизни унутармикан?... Қарз қиёматга қолмасин, дейдилар. Бу фақат пулга ё мол-дунёга берилган нисбат эмас. Инсоннинг бўйнидаги маънавий қарзлари моддийдан кўп. Отана, қариндош-уруғ, дўсту таниш учун лозим бўлган меҳру оқибат, садоқат, яхшиликнинг ҳам сўроқлари бор, унутмайлик!

Ҳилола ИСМАТОВА.

► Дунёда нима гап?

Туркиянинг янги таҳдиди

Агар Москва ва Вашингтон Сурия бўйича мажбуриятларини бажармаса, Туркия курд отрядларига қарши ҳарбий амалиётни қайта бошлаши мумкин. Бундай таҳдид билан Туркия ташқи ишлар вазири Мавлут Човушўғлу чиқди, деб хабар берди "Yeni Safak" нашри.

Човушўғлунинг таъкидлашича, Туркия АҚШ ва Россия билан эришилган келишувларнинг ўзига тегишли қисмини бажарган. Бироқ Москва ва Вашингтон ўз мажбуриятларини бажармапти. "Агар биз натижа кўрмасак, унда АҚШ билан келишишга уринишдан кейин бошлаганимиздек, амалиётни қайта бошлаймиз", деб айтган Туркия ташқи ишлар вазири.

Полиция бошлиғи ўзгарди

Хитой ҳукумати Хонгконг маъмурияти раҳбари Кэрри Ламнинг тақлифига қўра, Хонгконг полицияси бошлиғини ўзгартирди. Ушбу лавозимга Крис Тан тайинланди. Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар берди.

Полициянинг аввалги бошлиғи Стивен Ло ушбу лавозимда 2015 йилдан бери ишлаб келатганди.

Ушбу қарор Хонгконгда бир неча ойдан бери тўхтаётган норозилик намойишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Жангарилар ҳужуми

Мали шарқда жангариларнинг мамлакат курулли кучлари патрулига ҳужум қилиши оқибатида 24 ҳарбий ҳалок бўлди, 29 нафар яраланди. Маълум қилинишича, воқеа Мали ва Нигер "чегарада террорчиларни" топиш бўйича "Tongo Tongo" деб номланган амалиёт ўтказиши вақтида юз берган.

Отишмада уч киши вафот этди

АҚШнинг Оклахома штатидаги Дункан шаҳрида жойлашган "Walmart" дўконига содир бўлган отишма оқибатида уч киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда "Reuters" хабар берди.

Маълум қилинишича, жиноятчининг ўзи ҳам отишма чоғида ўлдирилган. Шунингдек, яраланганлар борлиги айтилмоқда.

"Барча муассасалар ва ўқувчиларни ҳимоя қилиш учун эҳтиёт чораларини кўрмоқдамиз. Ҳозирда барча мактаблар ёпилган", — деди шаҳар полицияси вакили.

17 ноябрь куни Калифорния штатидаги Фресно шаҳрида оилавий байрам чоғида содир этилган отишма натижасида тўрт киши ҳалок бўлган ва олти киши жароҳатланган хабар қилинган.

"Учар одам" рекордини янгилади

Британиялик ихтирочи Ричард Браунинг реактив костюмда парвоз қилишга ўрнатган тезлик рекордини янгилади.

"Учар одам" ушбу қурилмада 136 км/соат тезликка эриша олди. Браунинг махсус костюмда сув устидан 500 метр масофага учиб ўтган. Унинг 2017 йилдаги тезлиги анча пастроқ — 53 км/соат бўлган.

Британиялик ихтирочининг қурилмаси минг от кучига эга 5 та турбинадан иборат бўлиб, у шлемда жойлашган дисплей ёрдамида бошқарилади.

Интернет хабарлари асосида А.СОДИКОВ тайёрлади.



миз тушган. Азамат дарахт соясида нафас ростладим. Яхшидан боғ, деган нақл ҳаёлимдан кечганди.

Улуг шоир Ҳамид Олимжон 1944 йилнинг 3 июлида автоҳалокат сабаб оламдан ўтди. Фожиа содир бўлган куни қоронгу тушгунга қадар Дўрмондаги боғ ховлисида жисмоний меҳнат билан машғул бўлгани адабий давраларда айтилади.

Гул ва чечакларга бурканган боғни, айниқса, навбахорни ўрик гулини яхши кўрарди Ҳамид Олимжон. Шу боис суюкли ёри Зулфияноним муҳаббат ва уйғониш фасли келиши билан қўлига қалам олар, юрагида бир соғинч билан баҳор манзараларини чизар эди. "Ҳаммаёқ янгилаша бошлади. Зилол, оқ, пушти ранглар Тошкентнинг ичкари ховлиларига ҳам кириб, гул сочиб юрибди. Биринчи баҳор... Ҳар нова, ҳар майса ўзича уйғониб, баҳор келди — менинг дарду армоним ошгандан ошиб кетди. Яна қозоғга мук тушдим..."

Ха, Зулфиянинг "Баҳор келди сени сўроқлаб" шеъри шу тарзда дунёга келганди.

Бир пайтлар буюк адиб Ойбек домла Тахтапул ва Юнусобод мавзелари ўртасидаги Оқтепа маҳалласидан боғ-ховли сотиб олган. Рафикаси Зарифахоним билан ёши шу боғда ўтказарди. Шу ерда ёзилган "Қутлуғ қон" романида айнан ўша жаннатмонанд боғнинг ажойиб манзарасини — гўзал тасвирини кўрамиз.

► Хунармандчилик



Ҳар бир соҳанинг ўз фидоилари бўлади. Юртимизда ҳеч қандай манфаатни кўзламай, касби учун жонини беришга тайёр фидоий инсонлар борки, улар сабаб соҳалар ривожланади.

"МАҲСИ - жоннинг роҳати" — дейди фарғоналик касиб Маъмуржон НУРМАТОВ

Тарихи неча асрларга бориб тақаладиган маҳсидўзлик ҳам шулардан бири. Кейинги вақтларда ота-боболаримиз кийган ва бизга мерос бўлиб келаётган маҳси-кавушларга эътибор биров сусайгандек эди. Айни пайтда яна урфа кира бошлади. Маҳсининг инсон саломатлигига фойдаси катта. Унинг кадр-қимматини, айниқса, кексаларимиз яхши билишади. Улардан сўрасангиз, бундай оёқ кийими шамоллаш, ревматизм, варикоз сингари касалликларнинг олдини олишда ёрдам беради, дейдилар.

Қандли диабет билан оғриган беморларнинг ҳам маҳси кийиши мақсадга мувофиқ бўлар экан. Маҳси ишлаб чиқаришнинг ҳам ўзига хос услублари бор. Ушбу маҳсулот қадимда асосан кийик терисидан тикилган. Ҳозирги кунда эса уни тикиш учун мол, қўй ва эчки териларидан фойдаланилмоқда. — Кўнчилар, аввало, терини охакка солиб, яхшилаб ошлайдилар, — дейди катта тажрибага эга «Ёрқин ҳаёт» МЧЖ раҳбари Маъмуржон Нурматов. — Дорилаб, чўнг (ҳайвон жу-

нини тўқиб олиш) солиб, терини обдон пиширадилар. Тайёр бўлган теридан энди маҳси тикилади. Аввало, керакки ўлчамлар ҳолига келтириш учун чоклари қўлда тикиб чиса қилади. Сўнгра таглик қисми табиий сранда (сранч асосан Қирғизистон тоғларида ўсадиган гиёҳ. Илдизини қуритиб, тегиримонда ун ҳолига келтириб оладилар) ёпиштириб чиқадилар. Қолиплагач, қуришига қўядилар. Кейин қўшқаламда безак ишлари амалга оширилади. Терининг таранг-

лашиб олиши учун маҳси ичи-га шон солиб, (шон — ёнғоқ дарахтидан тайёрланган махсус ёғоч) тахлаб қўйилади. Айни вақтда Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида жойлашган «Ёрқин ҳаёт» МЧЖга қарашли касаначи қосиблар қорхонаси орқали халқаро турли хилдаги маҳси-лар етказиб берилляпти. 1989 йилдан буён Маъмуржон Нурматов бошчилик қилиб келаятган ушбу қорхонада ҳозир 15 нафардан зиёд касиб фаолият юритмоқда. Бугун Муҳаммадтурсун Хошимов, Юнусов Умаров, Холмуҳаммад Абдурахмонов, Каримжон Ҳамдамов, Абдуқаҳҳор Ёқубов ва Шуқурилло Нурматов сингари касаначи қосиблар тайёрлаган маҳси ва кавуш маҳсулотларининг бозори чақон.

— Бу касб менга ота-боболаримдан мерос бўлиб келаяпти, — дея сўхбатимизнинг давом эттириди 76 ёшли отахон. — Фарзандларимнинг ҳаммаси менинг изимдан бориб, шу хунар билан шуғулланыпти. Маҳси тайёрлашга ҳам маҳорат керак, ўзига яраша машаққатлари бор, албатта. Уни кийишнинг эса афзаллиги жуда кўп. Айниқса, намозхон кексаларга фойдали. Маҳси кийиб юрадиган киши ҳозирги салқин кунларда таҳорат вақтида оёқларини дам-бадам ювавермайди. Очиғи, одамлар яна аста-секин маҳсининг қўлайлигини тушуниб етятьтилар. Биз эса қўлимиздан келганча, ўз маҳсулотларимиз билан бозорларни тўлдириб, халқимиз қорига ярашни мақсад қилганмиз... Ҳа, отахоннинг гапларида жон бор. Ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ҳам фойдали, ҳам харидоригир бўлиши керак. Балки шунинг учун ушбу қорхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар айни вақтда Тожикистон, Қирғизистон ва Қозғистон Республикаларида экспорт қилинаётгандир. Бу эса ҳам қорхона, ҳам маҳаллий иқтисодиёт ҳаменини тўлдиршига ҳисса бўлиб қўйилади.

Маруфа СОЛИЕВА
Фарғона вилояти.

► Тақдимот

Маълумотларга кўра, туркман халқининг донишманд шоири Махтумқули — Фирогий қадимий Хива заминига илк бора 18-асрнинг 50-йилларида ташриф буюрган. Улуғ файласуф шоир орадан 200 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, 1966 йили қадим воҳага яна “ташриф” қилган. Бу гал уни хоразмлик қардошлар ҳузурига асли Туркменистонда туғилиб, воёга етган ва воҳада қолиб ижод қилаётган шоир ва драматург Қурбонбой Матризов (Қурбон Муҳаммад Ризо) бошлаб келади.



Фирогийнинг ташрифи

Вилоят мусикали драма ва комедия театри сахнасида намоён бўлган улуғ шоир сиймосини воҳалик санъат ва ижод аҳдлари қизгин олқишлайдилар. Унинг нурли қиёфасини театрда ижод қилаётган таниқли актёр ва хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Матёқуб Раҳимов яратган. Қ.Матризовнинг “Махтумқули” деб номланган ушбу мусикали драмасы кейинчалик номдор театр ижодий жамоаси намоёниш этган энг сара ва мукамал сахна асарлари қаторида жой олди ва тарих саҳифаларига ёзилди.

Улуғ шоир Махтумқули Хоразм театри сахнасида истиқлол йиллари, аниқроғи, асримиз бошида яна бир бора қайтди. Истеъдодли актёр Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Комилжон Тожибоев тал-

қинида сахнага чиққан Фирогийни хоразмлик мухлислар яна қизгин олқишлар билан кутиб олишди. Спектаклни сахнага тақдоран олиб чиқиш билан боғлиқ ижодий жараёнларга ёш режиссёр Жўрабек Рўзиматов, дирижёр ва бастакор Қодир Исқандаров, расом Баҳодир Бекмуродовлар бош-қош бўлишди.

Вилоят мусикали драма театри ижодкорлари, режиссёрлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хожӣ Ортиқов, етакчи сахна устаси Одамбой Абдуллаев, расом Уғилжон Алимова, бош дирижёр Қодир Исқандаров, балетмейстер Дилора Нурмоновалар яқинда қайта сахна-лаштирилган “Махтумқули” спектаклининг янги талқинини хоразмлик мухлислар ҳузурига яна бир бора гавдалантирди. Унинг нурли қиёфасини бу гал

театрнинг истеъдодли актёри Хикмат Матёқубов ёрқин намоёниш этди. Ёш актриса Нодира Бекчоновна асарнинг яна бир таниқли қахрамони Менгилхон, Зулфия Отаева — Оққиз, Жавлон Рўзиматов — Човдирхон суваратида намоён бўлдилар. Сўнгги 50 йилдан кўпроқ вақт мобайнида учинчи бора янги шакл, янги оҳанг ва янги мазмунда сахна юзини кўрган мазкур асарни театр мухлислари, ижодкорлар, театршунос ва сахнашунос тадқиқотчилар қизгин кутиб олишди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар ижодий жамоани ушбу ютуқ билан самимий қутладилар. Бир пайтнинг ўзида ҳам актёр, ҳам хонанда қиёфасида намоён бўлиш сахна қахрамонлари, қолверса, театрнинг бутун жамоасидан юксак иқти-

дор ва салоҳият намуналари, катта ижодий меҳнат ва машаққатни талаб этди. Ижодий жамоа бу борадаги истеъдод ва маҳоратини ушбу мусикали драма асарини томошабинларга тақдим этиш чоғида янада равшан намоён этгани театрнинг яна бир катта ютуғи сифатида эътироф қилинди. Айни пайтда айрим сахнавий безак ва кўришнишларни мухлислар дидига мос ва хос равишда янгилаш, ўзбек ва туркман халқларининг бой турмуши, маданий ва меъморий мероси намуналарини мўйқалам ҳамда турли тасвирлар, безаклар, жиҳозлар кўмағида кенг-роқ акс эттиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Асар муаллифи Қ. Муҳаммадризо, театр директори Д.Иброҳимова ва бошқалар жамоанинг намуна-

ижодий салоҳияти, 80 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида тўпланган бой тажриба ва аъёнлар томошабинларнинг юксак дидига мос сахна асарларини яратиш гарови эканини таъкидладилар.

Валий қиёфасидаги шоир ва файласуф Махтумқулининг мурораб номи бутун ўзбеклар дийри, қолаверса, турк замини бўйлаб янада маълум ва машҳур бўлишида хоразмлик ҳасос камламок Қ.Муҳаммадризонинг муносиб ўрни бор. Хоразм театри сахнасида янги саватга яратилган ушбу спектакл бу борадаги саъй-ҳаракатлар, хайру савоб ишларнинг яна бир ажойиб намунаси бўлди.

Абдулла СОБИРОВ,
“Hurriyat” мухбири.

► Мутолаа

Ўзбек адабиёти бой, серқирра. Унинг ривожига Республикаимиз ёзувчи ва шоирларидан ташқари, қўшни мамлакатлардаги ўзбек адиблари ҳам баҳолуқудрат ҳисса қўшиб келишяпти.



Сайёҳ аргузашт абади

Тожикистон ва Қирғизистонда, Қозоғистон ва Туркменистонда ҳам қалами ўткир, маҳаллий микёсдагина эмас, балки умумўзбек адабиётида ҳам ўз ўрнига эга ижодкорлар бир талай.

Ушлик ижодкор — ўнга яқин бадиий ва илмий-маърифий китоблари билан танилган Беғижон Аҳмедов ана шулардан бири. Беғижон тасаввуф адабиёти вақиллари, хусусан, Хўвайдо эшон ва унинг ижодкор авлодлари ҳақидаги бир неча рисола-ю ҳажвий хангомаларидан сўнг яқинда “Сайёҳ” деб номланган қиссасини Бишкекдаги “Улуу толол” нашриётида жуда бежирим, полиграфик жиҳатдан мукамал қилиб нашр эттирди.

Ана шу каби эзотерик тасвирлар вақти-вақти билан буй кўрсатади. Аслида, бошқалардан холи қолиб, ўзини излаш эскидан бор нарса, бунинг учун қадимда чилла ўтирилган. Солиқ овлоқ бир жойдаги хонанд чикмай қирқ кун ўтириши, у жойга пиридан бошқа ҳеч ким кирмаслиги, солиқ пиридан бошқа ҳеч ким билан мулоқот қилмаслиги, пир кўрсатмаларини тўлиқ бажариб, муддат ўтгангина яна “фоний дунё”га қайтиши шарт бўлган. Бироқ ҳозирги даврда одамлардан холи бир маскани топиб чилла ўтириш, пири муридга байъат қилиш ами маҳол бўлганидан, Анвар ана шундай йўл тутади, табиат қўйнига сингиб кетади.

Муаллиф бу асари жанрини “воқеий қисса” деб белгилади. Бунда унинг ҳажми ихчамроқлигидан келиб чиққан, албатта. Бироқ бош қаҳрамон характерининг шаклланиш тадрижи кўрсатилган йирик насрий асар қисса эмас, роман бўлишидан келиб чиқса, “Сайёҳ”ни бемалол роман деб айтса ҳам бўлади.

Ёзувчининг аввалги асарларидан фарқи ўлароқ, буниси ўтмиш эмас, айнан бугунги кун веқеликлари ҳақида. Сюжети ҳам унча марказ эмас: оқ-қорани таниган, жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга Анвар Алиев деган йигит “ажойиб кунларнинг бирида” бу дунёнинг гишаваларига қўл силкиб, олис ва кимсасиз тоғлар бағрига жўнаб кетади. Мақсади, қанчадир бир муддат шундай овлоқ жойда — цивилизациядан узокда яшаш, ўзи билан ўзи қолиш, шу дамгача ўтказган ҳаётини бирма-бир идрок этиб, ўз ботинига назар ташлаш ва... ўзини топиш.

Хар бир одам — бу тириклик дунёсининг бир сайёҳи. Шунинг учун ҳам асардаги турли одамлар муаллифнинг бадиий ниятига қўра, ўзларининг турфа қиёфаларида намоён бўлади. Кишиларнинг бу тириклик дунёсидаги саёҳати қандай натижа беради, қандай яқун топади — бу унинг ўзига боғлиқ аввало. Анвар каби нафсини жиловлаб, оламда юз бераётган эврилишларга теран нигоҳ ташлаб, уларни идрок эта биладими ёки асардаги мунофиқ Хожӣ ака сингари сирдан авлиёю ичдан шайтоннинг шериги даражасига тушадими, бу унинг имонига, маънавий дунёсига боғлиқ.

Бир пайт Абдулла Қаҳҳор асардаги қаҳрамонлар ақли бўлиши учун ёзувчининг ўзи ақли бўлиши керак, деган гапни айтади. Анвар Алиев сиймосида биз дин арконларини яқин билган ва тўғри талқин қилган, айни пайтда биз яшаб турган XXI аср аввалидаги дунёнинг глобал муаммоларини бутунича, бор фазилату даҳшатлари билан ҳис қилган адибни кўрамиз.

Албатта, “Сайёҳ” — Беғижоннинг дастлабки йирик асари. Катта жанрнинг эркинликлари билан бир қаторда мушкулотлари ҳам бир талай. Шу сабабли бўлсамкин, айринчи мароқлантириш учун тўқилмаганини ёдга олсак, бу янги асарни адабиётимизнинг бир ютуғи, деб бемалол айтса бўлади.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ.

Реклама ҳуқуқи асосида

REJALI TO'LOV kartasi

- Maishiy texnikalar;
- To'y va boshqa marosimlar tashkil etish;
- Mebel va xo'jalik jihozlari.

Hamkor tashkilotning savdo do'konlaridan iste'mol tovarlari va xizmatlarni sotib olish imkoniyati;

Qarz mablag'larini mutlaqo foizsiz;

Qarz mablag'larini 1 yil davomida bo'lib-bo'lib to'lash mumkin.

Kartani ochish uchun quyidagilar talab qilinadi:

- Ariza;
- Passport;
- Bank bilan shartnoma tuzish.

(71) 200 00 85
WWW.XB.UZ

XALQBANKI

Хизматлар лицензияланган.

► Қилмиш-қидирмиш

Фирибгар қўлга олинди

Бош прокуратура ҳузурдаги Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси, ДХХ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда, Навбахор туманидаги 12-сонли мактаб директори А.О. хусусий корхона раҳбари С.Х.га туман ҳокимлиги орқали грант қазиб олиш учун ер ажратиш масаласини ҳал қилиб беришни ваъда қилиб, эвазига 16 000 АҚШ доллари кераклигини айтди. Афсус “Кўза кунда эмас кунда синида”, дегани шу бўлса керак, пулнинг бир қисмини, яъни 9 400 АҚШ долларини олаётганда қўлга олинди. Мақкур иш юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Фирибгардан дод!

Бош прокуратура ҳузурдаги Департаментнинг Ангрэн шаҳар бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда, “А.У.Г.” МЧЖ таъсисчиси Ш.О. ва раҳбари И.Ф.лар олдидан тил бириктириб, республикамизда ишлаб чиқарилган автомашиналарни кредит ва лизинг шартномалари асосида олиб бериш ҳақида фуқароларни алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, 61 нафар фуқаронинг 1,2 млрд. сўм пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликлари аниқланган.

Мақкур ҳолат юзасидан, “А.У.Г.” МЧЖ таъсисчиси Ш.О. ва раҳбари И.Ф.ларга нисбатан тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Малакасиз шифокор иши фожиа билан тугади

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Mont Vlapo» хусусий шифохонасида фуқаро У. Бахраровга бурун қийишқларини тўғирлаш юзасидан жарроҳлик амалиёти ўтказилганидан сўнг, беморнинг соғлиги ёмонлашгани сабабли, 20.08.2019 йилда Россия Федерациясининг Москва шаҳрида жойлашган шифохонага ётқизилган.

Бироқ унга кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамадан У.Бахраров вафот этган.

Бемор Л.Апостолова эса жарроҳлик амалиётдан сўнг, мустақил нафас олишга ўтказилган ва унга антибактериал даво мақсадида «цефтраксон» дори воциситаси ички қон томири орқали 1,0 мл. микдорда юборилган. Шундан сўнг, беморнинг ахволи кескин оғирлашган ва чуқурлаштирилган текширишлар ўтказиш мақсадида РШТЭИМга олиб борилган. 19.08.2019 йилда марказ шифокорлари томонидан кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамадан, Л.Апостолова шифохонанинг жонлантириш бўлимида вафот этган.

Ҳозирда ушбу жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман прокуратурасида дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бош прокуратура Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими.

► Тафаккур

Жамики нарсалар бир-биридан пайдо бўлади. Масалан, ҳаво сувдан, сув ҳаводан, олов ҳаводан, ҳаво оловдан юзага келади. Шундай экан, нима сабабдан Ернинг сувдан, сувнинг эса Ердан пайдо бўлиши мумкин эмас?!

Ҳамма нарсадан камида бир марта шубҳалан. Ҳатто “Икки қарра икки тўрт”, деганларда ҳам.

Ликстенберг ГЕОРГ КРИСТОФ, немис файласуфи.

Олжисаноб эр ўз бурчи, пасткаш эса ўз фойдасини яқини тушунади.

СЕНЕКА, римлик файласуф.

Менимча, ҳақиқат ёлғиз Худога аён. Инсон руҳи ҳам ҳақиқатни билишга қодир, бунинг учун у зимистон танадан чиқмоғи лозим.

Августин АВРЕЛИЙ, карфагинлик файласуф.